

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИСИНИ КРЕАТИВ КОМПИТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Zaynidinova Zulxumor Isamiddinovna*

*O'zbekiston - Finlandiya pedagogika instituti,  
Maktabgacha ta'lim fakulteti, Maktabgacha ta'lim pedagogika va  
psixologiya kafedراسи assistent o'qituvchisi*

*Muxtorova Yasmina Mansurjon qizi –*

*O'zbekiston - Finlandiya pedagogika instituti,  
Maktabgacha ta'lim fakulteti 112-guruh talabasi*

Мақолада педагогик маҳорат тушунчаси, олимларнинг педагогик маҳорат бўйича илмий ғоялари, педагогик маҳорат мезонлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларида педагогик маҳоратни шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари асослаб берилган.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** санъат, маҳорат, педагогик маҳорат, креатив, мезон, оптимист, интегротив, модель.

В статье освещены вопросы понятия педагогического мастерства, научные идеи учёных по педагогическому мастерству, критерии педагогического мастерства. Также обоснованы педагогические аспекты формирования педагогического мастерства у воспитателей дошкольных образовательных учреждений.

**Ключевые слова и понятия:** искусство, мастерство, педагогическое мастерство, креативность, критерий, оптимизм, интеграция, модель.

The article is devoted to discussing the view points of scientists on pedagogical masteree. Further more pedagogical ways of improving knowledge of educators in kindergartens are considered.

**Keywords:** masters, creativeness, culture, optimist, integration, model.

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом, етук ва шу билан бирга мактабга тайёрлаган ҳолда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида: «Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади»<sup>1</sup>, деб таъкидланган. Дарҳақиқат, мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, баркамол авлод таълимтарбия жараёнининг тарбиячилар томонидан тўғри ташкил этилишини таъминлашда

тарбиячиларнинг касбий маҳорати ҳамда уларнинг малакасини ошириш жараёнини самарали ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Глобаллашув даврида мактабгача таълим соҳасидаги муҳим вазифаларни қуйидагича талқин этиш мумкин: – миллий иқтисодиёт тараққиётига мос ва тараққиётни рағбарлантирувчи даражадаги таълимни жорий этиш; – таълим муассасалари ва таълимий хизмат истеъмолчилари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш; – истеъмолчи ва таълим муассасаси ўртасидаги рақобатбардошликни янада кучайтириш; – бола тарбиясига ижтимоий жамоатчиликни жалб этиш. Юқоридаги вазифаларни ҳал этишда албатта миллий таълим моделининг муҳим таркибий қисми бўлган педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими алоҳида ўрин тутаяди. Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими педагог кадрлар томонидан янги маълумотларни ўзлаштириш, билим, кўникма ва малакалар олишнинг бош манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, айнан мазкур тизим, маълум маънода, таълим тизими ходимларининг соҳада амалга оширилаётган модернизация Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги 464-И-сонли Қонуни. жараёнларига тайёрлиги учун масъул ва шу боис унга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат фикримизнинг давоми сифатида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини келтиришимиз мумкин. Мазкур стратегиянинг «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» йўналишида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш каби вазифалар белгилаб берилган. Тезкор ривожланаётган даврда таълимни инсонпарварлаштириш педагог ва мураббийлар олдида улкан вазифаларни юклайди, яъни улар ахлоқий-маънавий жиҳатдан етук, ижтимоий фаол, ижодий фаолиятга мойиллик янгича касбий дунёқараш шунингдек, ўзгараётган замон талабларига мослаша олиш қобилиятига эга бўлишлари талаб этилади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда узлуксиз таълимнинг илк бўғини бўлган мактабгача таълим муассасасида фаолият юритаётган тарбиячиларга улкан масъулият юкланади. Бугунги кун тарбиячиси болаларга таълим-тарбия беришнинг энг самарали йўлларини танлай олиш маҳоратига эга бўлиши керак. Тарбия бериш жараёнида болаларда нафақат қоида ва ҳулқ-атвор меъёрлари, балки барча ижобий фазилатлар шакллантирилади. Бунинг учун тарбиячида педагогик маҳорат шаклланган бўлиши лозим. Педагогик маҳорат инсон тарбиясини амалга оширувчи ўқув-тарбия ишларининг самарали бўлишига таъсир этувчи муҳим омиллардан

ҳисобланади. Бола шахсининг шаклланиши тарбия жараёни билан боғлиқ бўлиб, уни ҳеч қайси жараён билан таққослаб бўлмайди. Ҳар қандай амалий фаолият, инсоннинг энг юқори маънавий ва руҳий эҳтиёжларини қондиради. Эҳтиёжлар инсонга тегишли бўлиб, ўзига хос хусусиятларни ташкил этади ва у албатта санъатга айланади. Бунда педагогика асосий ўринда туради, чунки у инсоннинг энг муҳим эҳтиёжларидан бирини қондиришга ҳаракат қилади. Педагогика инсон ва унинг табиати яъни унинг қалбини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу фаннинг асосий мақсади мукамал шахсни шакллантиришдан иборат. Педагогик маҳорат педагогик санъат билан узвий боғлиқ бўлиб, педагогик маҳоратнинг энг юқори даражада намоён бўлишидир. Улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик нафақат тўғридан-тўғри, балки диалектик жиҳатдан ҳам боғлиқ. Санъат барча амалий фаолиятнинг турларига даҳлдор бўлиб, у моҳирона ва маҳорат билан амалга оширилади. Санъат ҳаракатнинг ижодий ифодаси бўлиб, у ижодий-бадиий фаолият натижасидир. Яъни, бирор иш ёки касбни моҳирона амалга оширишдир. Санъат ижодни намоён бўлиши, амалий фаолиятнинг ҳар қандай шакли ҳисобланади. Маҳорат барча касб эгаларининг фаолиятида намоён бўлади, масалан, актёр, ёзувчи, педагог, шифокор, дурадгор ва бошқалар. Аввало, маҳорат педагог шахсининг ижодкорлиги билан боғлиқ равишда ривожланади. Педагогик фаолиятда эса креатив ёндашув асосий омил ҳисобланади. Креативлик (ижодийлик) – қандайдир янги, бетакрор нарса ярата олиш лаёқати, бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келувчи ақлий жараён. Педагогик маҳорат назарий билимларни эмас, балки аниқ фаолиятни кўрсатади. Педагогик адабиётларда педагогик маҳорат турлича талқин қилинади. Педагогик маҳорат касбий кўникмаларнинг юксак даражада ривожланиши, шахсининг касбий сифатлари, санъат даражасидаги маҳорат, педагогик моҳирлик, санъат ва билимдонлик деб таърифланади<sup>2</sup>. Педагогик маҳорат педагогик жараённи билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С.Макаренко), педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахсининг иш сифати ва хусусиятларининг синтезидир. Демак, педагогик маҳоратни доимий равишда мукаммаллашиб боровчи, ҳар бир педагог учун қулай бўлган таълим-тарбия бериш санъати, дейишимиз мумкин. Шунингдек, педагогик маҳорат педагогик фаолиятнинг энг юқори даражаси, деб тавсифланади. Маҳорат педагогик фаолиятнинг энг юқори чўққиси бўлиб, муайян вақт мобайнида самарага эришишдир. Педагогик маҳорат тарбиячи шахсининг ўзига хос хусусиятлар мажмуи бўлиб, касбий фаолиятнинг мустақил ташкил этишни таъминловчи, рефлекс асосида амалга оширувчи жараён ҳисобланади. Педагогик маҳорат тарбиячининг мукамал ижодий касбий вазифасини бажариш санъатидир. Ҳар бир таълим олувчига шахс сифатида шаклланиши учун ижтимоий-психологик шароит яратиш, ақлий



ривожланишини юқори даражада таъминлаш, уларда одоб-ахлоқ сифатларини тарбиялаш ва маънавий жиҳатдан бойитишдан иборат. Маҳорат ва санъат педагогнинг таълим олувчини шахс сифатида ҳар томонлама тарбиялаш кўникмаси ҳисобланади. Педагогик маҳорат ҳар бир шахснинг ривожланишидаги маънавий муҳит, унинг чўққиларни забт этиш руҳини ўзида мужассамлаштириб, ўзининг «МЕН»лигини кўрсатиб, инсоният қадриятидаги кучларни йиғиб, ўзининг ёлғиз эмаслигини ҳис қилибгина қолмасдан, маънавий бой бўлишни ҳам таъминлайди. Педагог олимлар педагогик маҳорат тушунчасини тавсифлар эканлар, педагогик назария асосини дастлаб маҳорат, тарбиячипедагоглар тайёрлашда эса кўникма ва малака тизимини қатъий равишда шакллантиришни тавсия этадилар. Тарбия бериш жараёнини педагогик маҳорат даражасида амалга ошириш лозим. В.И.Андреев фикрича, маҳорат инсон фаолиятининг бир тури сифатида намоён бўлади. У педагогик маҳорат белгиларини қуйидагича таснифлайди:

- муаммоли вазиятларни баргараф эта олиш ва ижодий ёндашув;
- жамият ва шахс ривожланишига ижтимоий ва шахсий жиҳатдан таъсир кўрсатиш;
- шахсий сифатларини намоён этиш, билим, кўникма, малака, айниқса ижобий мотивациялар, тарбиячининг ижодий қобилияти;
- янгиликни таълим жараёнига самарали татбиқ этиш ва натижага эришиш.

Педагогик маҳорат мураккаб жараён бўлиб, таълим тизимида интегратив характерга эга ҳисобланади. Бунинг моҳияти шундаки, авваламбор, педагогнинг ташкилотчилиги, унинг хулқ-атвори, кейингина махсус билим ва кўникмалари туради. Буларсиз ҳеч бир педагог яхши тарбиячи бўлиши мумкин эмас. Агарда педагог нутқи равон бўлмаса, бола билан ҳар қандай вазиятда мулоқот қилишда қийинчилик туғилади. Агарда касбига хос малака ва кўникмага эга бўлмаса, талаб даражасидаги тарбиячи бўла олмайди. Бунинг учун тарбиячи педагогик техникага эга бўлиши, овоз тони, мимика, юз қарашларини ифода эта олиши ҳамда кайфияти ҳам ҳамоҳанг бўлиши талаб этилади. Тарбиячи ташкилотчи, ҳазил мутойибага мойил, қувноқ, зукко, шу билан бирга талабчан ҳам бўлиши лозим. Тарбиячи ўзини шундай тутиши керакки, ҳар бир ҳатти-ҳаракати тарбияга боғланган бўлиб, ҳар бир ҳолатдан нима олиш зарур ва нима олиш зарур эмаслигини англай олиши лозим. Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг малака ошириш курсида бир неча йиллар (2010-2017. йиллар)дан буён олиб бораётган тажрибаларимиздан, тарбиячиларнинг ўқув фаолиятидаги иштироки ва хатти-ҳаракатларини кузатиш натижаларидан келиб чиқиб, айнан педагогика коллежларида бўлғуси

тарбиячиларда педагогик маҳорат, педагогик технологияни самарали ўргатиш, шунингдек, педагогик техникани (нутқи ва гавда ҳаракати, қиёфаси, мимика) намоён этиш бўйича кўникма ва малакаларни шакллантириш лозим. Педагогик ижодкорлик муаммоси психолог-педагог олимлар В.Н.Дружинин, В.И.Загвязинский, И.П.Иванов, А.М.Коршунов, А.М.Матюшкин, В.С.Юркевич, В.А.Сластенин, К.М.Коджаспирова, Л.И.Шестов, Н.А.Бердяев, Э.Кант, С.Д.Якушева ишларида кўриб чиқилган. Тадқиқотчи олимлар А.Зязюн, И.Кривонос, О.Мирошник, В.А.Семченко, Б.Зиёмухаммедов, Н.Азизходжаева ва бошқалар педагогик маҳорат, педагогларга қўйилган талаблар бўйича педагогик ғояларни тавсия этадилар. Ш.А.Амонашвили ўзининг қарашларида болаларга таълим-тарбия бериш самараси педагог шахсига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, педагогнинг шахсий сифатлари, яъни болаларга муҳаббат, уларни тушуна олиш қобилияти, оптимист бўлиш ва тарбиянинг таъсир кучига эга эканлигига ишонишдан иборат бўлади. Педагогдаги мавжуд сифатлар, табассум қилиш, қатъиятли бўлиш, жиддийлик, ақллилик, мулоқотчанлик, самимийлик ва ҳаётни севиши ҳаммага ёқишини асослайди<sup>2</sup>. С.Д.Якушеванинг таъкидлашича, педагогнинг энг зарур шахсий сифатларидан бири касбий қадриятга эгалигидир. Олима касбий маҳоратнинг категориялари билимли бўлиш, талабчанлик, ижодкорлик, инсонпарварлик, педагогнинг фаоллиги билан намоён бўлишида, деб асослайди<sup>3</sup>. Демак, тарбиячининг маҳорати шахсий фазилатлар билан бевосита боғлиқ. Бу эса бир қанча вазифаларни амалга оширишга ёрдам беради. Яъни улар: педагогик ўзаро таъсир кўрсатиш; ўқув жараёнида ижодий ва ҳамкорлик муҳитини яратиш; юқори даражада тарбиячи ва тарбияланувчиларни ижодий имкониятларини кўрсатишдан иборат. Тарбиячи ўзининг хулқатвори, ҳиссиётлари, кайфияти, ижтимоийперцептив қобилияти, нутқ маданиятини бошқара олиши зарур. Г.М.Коджаспирова педагогик маҳоратни педагогик фаолиятни мукамал ўзлаштирганлик даражаси, деб баҳолайди. Педагогик маҳоратнинг моҳияти педагогнинг шахсий сифатлари билан белгиланиб, у ўз фаолиятини муваффақиятли ташкил эта олади<sup>1</sup>. Б.Т.Лихачев фикрича, педагогик маҳорат педагогик санъатнинг бир қисми бўлиб, педагог замонавий усул ва шаклларни бола шахсини шакллантиришга қаратилган бутун педагогик фаолияти жараёнида қўллай олади<sup>2</sup>. Ю.П.Азаров педагогик маҳорат болаларни тарбиялаш қонуниятларини билиш, деб таърифлайди. И.П.Андриади эса педагогик маҳоратга шахс сифатларидан бири, деб қарайди, шунингдек, педагогнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал жиҳатдан тайёрлиги, ижодий фикрлаш ва ижтимоий маданий қадриятга эга бўлишини асослайди<sup>4</sup>. Педагогик маҳоратга эга бўлиш ҳар бир педагогдан ўз устида ишлашнинг мақсадга қаратилганлиги билан намоён бўлади. У амалий тажриба асосида шаклланади. Бироқ ҳар қандай

тажриба ҳам педагогик маҳорат манбаи бўла олмайди. Педагогик маҳорат асоси назарий билим, кўникма ва малака, меҳнат, фаолиятни аниқ мақсадга йўналганлиги ва технологик жараёни яратишдан иборат. Педагогик маҳорат тарбиячи-педагогнинг касбий компетентлиги, шахсий ва касбий сифатларида намоён бўлади. Маҳоратли тарбиячи тарбияланувчиларда конструктив қобилиятни ривожлантира олиши, шунингдек, машғулот жараёнида тарбияланувчилардаги мавжуд билимларни келгусида оладиган билимлар билан уйғунлаштиришга эришиши лозим. Кўпчилик тарбиячилар ташкилий ва коммуникатив фаолият жараёнида қийинчиликларга дуч келадилар. Бу эса таълим жараёнини самарали ташкил этишга ҳалал беради. Тарбиячининг бундай қийинчиликка учрашининг асосий сабаби яратувчанлик кўникмасини етарли эмаслиги ҳамда олдиндан машғулот жараёнини лойиҳалаштира олмасликдир. Тарбиячилар мунтазам равишда болалар психологияси ва мактабгача таълим соҳасига оид маълумотлардан хабардор бўлиш ва уларни амалиётга қўллаш малакасига эга бўлишлари лозим. Педагогик маҳоратнинг юзага келиш хусусиятлари касбий компетентлик даражаси билан узвий боғлиқ. Педагогик маҳорат, билим ва кўникмага боғлиқ бўлиб, тарбия жараёнини билиш, уни ярата олиш ва ҳаракатга келтириш билан кўринади. Маҳорат педагогик техникага эга бўлиш кўникма ва малакасида келиб чиқиб, тарбиячи машғулот жараёнида ўз ўрнида ундан фойдалана олиши талаб этилади. Н.Азизходжаева педагогик маҳорат юксак даражадаги педагогик фаолиятнинг тараққий этишини, педагогик техникани эгаллашни, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқаролик ва касбий мавқеини ифодалашини асослайди. Олима томонидан педагогик маҳорат компонентларини ҳосил қиладиган қуйидаги малака гуруҳлари фарқланади:

- лойиҳалаш;
- конструкциялаш;
- ташкилотчилик;
- мулоқот;
- билиш ва рефлексивлик.

Педагогик маҳорат асослари касбий педагогик билимлар, инсонпарварликка йўналган педагогик техника, касбий педагогик фаолиятни амалга ошириш тажрибасидан иборат. Педагогик маҳорат педагог шахсига бевосита тааллуқлидир. Маҳоратнинг шаклланиши бир неча босқич асосида юзага келади:

1. Репродуктивлик.
2. Ижодийлик.
3. Ижодий-новаторлик.



Педагогик маҳорат даражалари педагог иш даражасининг давоми ҳисобланиб, репродуктив, мослашувчан, локал (чегараланган) моделлаштиришни ўз ичига олади. Бу даража талабалар билан бўладиган ўқув-тарбиявий ишларнинг айрим йўналишларида юқори сифати билан характерланади<sup>1</sup>. Замонавий тарбиячи ўзини идрок этиш, ўз фаолиятини режалаштириш, ўзини бошқариш, нутқини тарбиялаш, методик ва коммуникатив тайёргарлик ва педагогик ўзаро муносабатларда ўзини намоён этиш маҳоратини эгаллаган бўлиши керак. Буларнинг барчаси тарбиячига касбий фаолиятида ақлий, эмоционал, маънавий ва жисмоний қийинчиликларни бемалол енгишга имкон беради. Юқори даражали педагогик маҳорат тарбияланувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, улардаги ҳиссий этишмовчиликларни бартараф этади. Маҳоратли тарбиячи мураккаб педагогик вазиятларда ўз билимлари, педагогик масалаларни ҳал этишда тарбияланувчиларга таъсир этиш усуллари, услублари ва воситаларини моҳирона қўллаш олади. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, тарбиячи педагогик маҳоратининг ўзига хос жиҳатларини тизимлаштирамиз:

- тарбиячи томонидан ўқув жараёнининг мақсадга йўналтирилиши;
- таълим натижаларига кўра яратувчанлик қобилиятига эга бўлиш;
- мулоқотчанлик малакасига эга бўлиш;
- энг қулай самарали ўқитиш усуллари ва воситаларини танлай билиш;
- ўқув фаолияти натижасига кўра бўлғуси машғулотга ижодий ёндашган ҳолда тайёргарлик кўриш.

Ўрганилган илмий-назарий манбалар ва тажрибаларимиз асосида тарбиячининг педагогик маҳорат моделини ишлаб чиқдик. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси педагогик маҳоратни мунтазам равишда ошириб бориши зарур. Чунки улар олдида баркамол авлодни тарбиялашдек улкан вазифа туради. Шунингдек, маҳоратли тарбиячида ташаббускорлик, мустақиллик, масъулиятлилик, ҳар қандай муаммоли вазиятга тайёр туриш ва уни ҳал эта олиш, мустақил равишда хулоса чиқариш каби шахсий сифатлар бўлиши талаб этилади. Педагогик маҳорат бу ижодий муҳит яратиш бўлиб, тарбиячидан педагогик қобилиятни амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади. Педагогик маҳорат асосини педагогик қадрият ташкил қилиб, тарбиячи ахлоқий, ақлий, ҳуқуқий, эстетик ва бошқа сифатларга эга бўлиши, тарбияланувчиларга таъсир кўрсатиш, ўзининг шахсий қарашларини ривожлантириши талаб этилади.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Амонашвили Ш.А. Личностно-гуманная основа педагогического процесса. - Минск: «Университетское», 2000. -С. 154.
3. Андриади И.П. Основы педагогического мастерства: Учеб. пособие для студ. сред. пед. учеб. заведений. - М.: «Академия», 1999. -С. 160.
4. Андреев В.И. Педагогика. Учебный курс для творческого саморазвития. 2-е изд. - Казань: 2000.
5. Азаров Ю.П. Мастерство воспитателя. - М.: «Просвещение»,1971.-С. 126.
6. Азизходжаева. Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2003. -175-б.
7. Джураев Р., Толипов Ў. ва бошқалар. Педагогик атамалар луғати. - «Фан», 2008. -196-б.